

12-1-2019

## THE FINANCIAL MECHANISM FOR INCOME FORMATION OF INSURANCE COMPANIES

O. Qarshiboyev

*Tashkent State University of Economics*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Qarshiboyev, O. (2019) "THE FINANCIAL MECHANISM FOR INCOME FORMATION OF INSURANCE COMPANIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## THE FINANCIAL MECHANISM FOR INCOME FORMATION OF INSURANCE COMPANIES

The paper deals with the financial mechanism of profit formation of insurance companies operating in the insurance industry in accordance with the classifier of insurance activity of the Republic of Uzbekistan. It presents the structure of the elements of the financial mechanism, its content and features. The scientific and practical significance of the method of grouping insurance companies according to the level of capitalization and sources of financial resources; management tools, such as calculating indicators determining the critical degree of coverage of losses by investment profit from insurance activities; and a multifactor model for calculating the indicators of complex profitability from insurance and investment activities have been disclosed. For the purposes of strategic profit management, an algorithm for applying the financial mechanism is presented.

**Key words:** financial mechanism, insurance, income.

The insurance market is an important part of the financial system and serves to ensure financial stability. In the conditions of economic integration and deepening of economic integration, it provides for the full use of all financial resources, opportunities and benefits in the process of creating a single financial market, the development of insurance activities in the Republic of Uzbekistan, the formation of income of insurance companies. In this regard, it is very important to increase the financial feasibility of generating income for insurance companies.

Measures are being consistently implemented to further develop the financial market of the Republic, expand the scope of coverage of the population with high-quality financial services, support the activities of insurance organizations, and create favorable conditions for the protection of consumer rights and legitimate interests in this area.

At the same time, at the present stage of reforms, the active development of financial services aimed at ensuring sustainable economic growth, improving the quality and standard of living of the population, requires the establishment of the role of the insurance market in the Republic and the wide use of insurance funds.

This article presents the financial mechanism for generating income of insurance companies in the General insurance network. The composition of financial statements includes various elements. The set of elements and the relationship between them is determined by the indicators of the financial statements. The main tasks and priorities for the development of insurance activities in the Republic of Uzbekistan are defined in accordance with the program of the Republic of Uzbekistan "Strategy of actions" for 2017-2021 [2]: functions and potential of the insurance market, the effectiveness of insurance companies, the task of improving and ensuring competitiveness and reliability.

The problem of organizing financing in insurance companies that carry out General insurance activities in the conditions of modernization and diversification of the economy is extremely complex and very important.

This is a practical tool for making management decisions on the formation of income of insurance companies that provide a stable profit on insurance, taking into account the tactical and strategic goals of their development.

The use of financial accounting in the formation of income of insurance companies makes it possible to carry out the following:

- An introduction of a systematic approach to the process of generating income of insurance organizations that carries out general insurance;
- The resource potential of the insurance company, its development strategy and profit maximization in accordance with market conditions;
- An increase on the quality of benefits generated in insurance companies and improvement of the quality of forms. In the process of generating the income of insurance companies, the main attention should be paid to determining the reserves for profit growth by the level of insurance payments, the amount of accumulated insurance premiums and obtaining investment income on this basis;
- A constant regulation of the level of profitability of insurance and investment activities;
- A formulation of a system of indicators that determine the critical level of recovery of integrated insurance and investment activities.

Thus, the main source of income of the insurance company is the income received from insurance activities and directed in the form of investments, which in addition to increasing the potential of the insurance market in the Republic of Uzbekistan serves to attract state investment.

**Қаршиев О.А.** – ТДИУ катта ўқитувчиси

## **СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ДАРОМАДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИ**

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг классификаторига асосан, умумий суғурта тармоғида фаолият юритаётган суғурта компаниялари фойдасини шакллантиришнинг молиявий механизми кўриб чиқилди. Молиявий механизм элементлари таркиби ўрганилди, мазмун ва хусусиятлари ёритиб берилди. Суғурта компанияларини капиталлаштириш даражаси ҳамда молиявий ресурслар манбалари таркибига боғлиқ ҳолда гуруҳларга ажратиш усули ва бошқарув воситаси (суғурта фаолиятдан зарарни инвестицион фойда билан қоплашнинг кескин даражасини белгиловчи индикаторлар ҳисоб-китоби; суғурта ва инвестицион фаолиятнинг комплекс рентабеллик кўрсаткичини ҳисоблашнинг кўп омилли модели) таркиби илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Фойдани стратегик бошқариш мақсадида молиявий механизмни қўллаш алгоритми тақдим этилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий механизм, суғурталаш, даромад.

## **ФИНАНСОВЫЙ МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ДОХОДОВ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ**

**Аннотация.** Рассмотрен финансовый механизм формирования прибыли страховых компаний, действующих в страховой отрасли в соответствии с классификатором страховой деятельности Республики Узбекистан. Представлена структура элементов финансового механизма, освещены его содержание и особенности. Раскрыта научная и практическая значимость метода группировки страховых компаний по уровню капитализации и источникам финансовых ресурсов, а также инструментов управления – расчета индикаторов, определяющих критическую степень покрытия убытка от страховой деятельности инвестиционной прибылью, и многофакторной модели расчета показателей комплексной прибыльности от страховой и инвестиционной деятельности. В целях стратегического управления прибылью представлен алгоритм применения финансового механизма.

**Ключевые слова:** финансовый механизм, страхование, доход.

### **Кириш**

Суғурта бозори молия тизимининг муҳим қисми бўлиб, молиявий барқарорликка хизмат қилади. Иқтисодий интеграция шароитида ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришда умумий молиявий бозорни яратиш, Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш, суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш жараёнида барча молиявий ресурслар, имконият ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланишни назарда тутати. Шу муносабат билан суғурта компаниялари даромадларини шакллантиришнинг молиявий механизмини такомиллаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини кўллаб қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт – шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда[1].

Ушбу мақолада умумий суғурта тармоғида суғурта компаниялари даромадларини шакллантиришнинг молиявий механизми келтирилган. Молиявий механизмнинг таркиби турли элементларни ўз ичига олади. Элементлар мажмуаси ва улар ўртасидаги муносабатлар молиявий механизмнинг ишлаши билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси» дастурига мувофиқ [2] қуйидагича белгилаб берилган: суғурта бозорининг функционал имкониятлари ва салоҳиятини, суғурта компанияларининг фаолият самарадорлиги, рақобатбардошлиги ва ишончлилигини ошириш ҳамда таъминлаш вазифалари белгилаб берилган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Суғурта компанияларида молиявий менежментни самарали ташкил этиш масалалари бўйича хорижлик етакчи олимлар Stephen O’Hearn, Jamie Yoder, Jill Lising, Eric Trowbridge, David Ransom, Sam Radwan Adams J. олимлар ўз илмий изланишларида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш масаласида тадқиқотлар олиб боришган. Мазкур мавзу юзасидан МДХ олимларидан В.В.Федоренков, М. Г. Жигас, Ю.Ф.Юрьевна, О.Ж.Григорьевна, Л.Н. Акжитова, М.А.Немчинов тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Мамлакатимиз олимларидан Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Х.Шеннаев, Р.Карлибаева каби иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида суғурта компанияларида молиявий менежментни самарали ташкил этиш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти улушида суғурта хизматларининг улушини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий иқтисодий адабиётларда молиявий механизмнинг ягона таърифи йўқ. Молиявий механизм моҳиятан ва мазмунан қуйидагича тушунилиши мумкин:

- давлат томонидан таъсис этилган молиявий муносабатларни шакллантириш методлари ва турлари ҳисобланади;
- максимал фойда олиш учун компаниянинг молиявий бошқарув тизими;
- молиявий бошқарув тизими, корхона томонидан қўлланиладиган шакллар ва усуллар тўплами, ўз-ўзини етарли маблағ билан таъминлаш

тамоийллари асосидаги муносабатлар, нормал барқарорлик даражасини таъминлаш орқали ликвидлик, рентабеллик ва максимал фойдани шакллантириш асослари;

– молиявий ресурслардан фойдаланишни ташкил қилиш, прогнозлаштириш, режалаштириш ва рағбатлантиришда ифодаланган молиявий ричаглар тизими.

Суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш учун молиявий механизмни ишлаб чиқишда қуйидаги асосий муаммоларни ҳал қилиш керак:

- методологик ёрдамни такомиллаштириш;
- фойда (зарар) таҳлили ва прогнозлаш учун бошқарув воситаларини такомиллаштириш;
- шакллантирилган фойда кўрсаткичларининг сифатини ошириш.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг ривожлантириш мақсадлари ва белгиланган муаммолар доирасида муаллиф томонидан суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш учун молиявий механизм қуйидагича ишлаб чиқилди (1-расм).

Замонавий иқтисодий адабиётларда молия механизмининг таркибий қисмларини аниқлашга қаратилган турли ёндашувлар тавсифланган. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида сифат жиҳатидан янги бўлган молия механизми қўлланилади. Бу, энг аввало, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг бюджет тизими, нобюджет фондлари, мулкӣ ва шахсий суғурта органлари ва бошқалар билан бўлган ўзаро муносабатларга тегишлидир [3]. Шу боисдан, суғурта компанияларида молиявий механизмни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг мажбурий таркибий элементлари қуйидагилардир: 1) молиявий усуллар; 2) молиявий ричаг; 3) услубий таъминот; 4) бошқарув воситалари бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоботи шакллариининг сифати ва ахборотларнинг шаффофлигини ошириш суғурта операциялари, актив ва пассив, қайта суғурталаш операциялари бўйича фойдани шакллантиришни акс эттирувчи сатрлар билан тўлдириш ҳамда қуйидаги ахборотни акс эттириш зарур:



**1-расм. Суғурта компаниялари фойдасини шакллантиришнинг молиявий механизм таркиби**

- потенциал суғурталанувчилар бўйича суғурта мукофотлари кесимида қайта суғурталовчилар улушининг ўзгариши;
- қайта суғурталаш учун қабул қилинган рисклар бўйича тўланган зарар (суғурта тўловлари);
- зарарларни қоплаш кесимида (суғурта тўловлари) қайта суғурталовчилар улушининг ўзгариши;
- суғурта операциялари бўйича иш юритишга оид харажатлар;
- қайта суғурталашга қабул қилинган рисклар бўйича иш юритишга оид харажатлар;
- қайта суғурталашга берилган рисклар бўйича иш юритишга оид харажатлар;
- бевосита суғурта операцияларидан (биргаликда суғурта қилишдан) фойда/зарар;
- қайта суғурталаш учун қабул қилинган рисклар бўйича фойда/зарар;
- суғурта фаолиятдан олинган фойда/зарар.

Суғурта компаниялари молиявий механизми ҳолати ва самарадорлиги даражаси унинг таркибий қисмларига боғлиқ. Молиявий механизм элементларининг бирлашиши – молиявий муносабатларни ташкил қилишнинг шакллари, турлари ва усуллари ҳар бир элемент учун миқдорий параметрларни

белгилаш йўли билан фаоллаштириладиган «молиявий механизмнинг конструкцияси»дир, яъни ставкалар ва қайтарилишнинг ставкалари, маблағлар миқдори, харажатлар даражасини аниқлаш ва бошқалар.

Бизнинг ҳолатимизда бундай миқдорий параметрлар қуйидагилар:

- 1) талабнинг мослашувчанлиги коэффиценти суғурта ставкаси миқдори;
- 2) капитализация даражаси ва молиявий ресурс манбалари таркибига қараб суғурта компанияларини гуруҳлаш индикаторлари;
- 3) суғурта фаолиятдан зарарнинг инвестиция тушумлари билан қопланишининг энг муҳим даражасини белгиловчи кўрсаткич;
- 4) суғурта фаолияти ва инвестицион фаолият рентабеллигининг тўлиқ кўрсаткичи қиймати.

Суғурта компанияси суғурта тарифининг мослашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда. Яъни, суғурта рискларини ўртача қийматини қисқартириш ҳисобига суғурта қамрови даражасини кенгайтириш бўйича молиявий стратегияни бажариш учун суғурта рискларининг тарифини ўртача қийматига талабнинг ўзгаришига мослашувчанлик коэффиценти қиймати ҳисоблаб чиқилди. Коэффициент қиймати 1,4 га тенг. Бу, яъни суғурта тарифини 10 фоизга қисқартириш орқали қамров даражаси 14 фоизга ошишини аниқлатади. Бу кўрсаткичда суғурта компанияларида потенциал суғурталанувчиларни қамраб олиш имконияти ошишини аниқлатади. Натижада суғурта компанияларини молиявий ресурсга бўлган талаби маълум даражада юқори кўрсаткичга етишини кўришимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда даромадларни шакллантириш ва прогнозлаш усуллариининг танқидий таҳлил натижалари асосида суғурта компанияларида молиявий механизм методологиясини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Ушбу методология молиявий тизим механизмнинг методологик қўллаб-қувватланишининг асоси сифатида капитализация даражаси ва молиявий ресурсларнинг тузилишига қараб суғурта компанияларини гуруҳларга бўлиш методологияси билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қуйидаги кўрсаткичлар танланган гуруҳлар ичида бир хил чегараларда жойлашган:

- умумий суғурта соҳасида активлар улуши;
- умумий суғурта соҳасидаги устав капитали улуши;
- умумий суғурта соҳасида суғурта захиралари улуши;
- компаниянинг мажбуриятларида капитал улуши;
- суғурта захиралари ва жамғармаларнинг компания мажбуриятларига бўлган улуши.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва диверсификациялаш жараёнида суғурта компанияларининг асосий даромадлари инвестиция фаолияти ҳисобланади. Суғурта компаниялари суғурта фаолиятдан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни прогноз қилган ҳолда потенциал суғурталанувчиларнинг қамров даражасини кенгайтириш ва рақобатчиларга қарши курашиш учун



тарифни қисқартиришлари, ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларини амалга оширишлари мақсадга мувофиқ.

Суғурта компаниялари даромадлари қопланишининг мақбул даражасини аниқлаш учун суғурта фаолиятидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қуйидаги формула орқали аниқлаш тавсия этилади:

$$\bar{i}_{\text{инв}} \geq \frac{Z_{\text{сф}} + C_{\text{иф}}}{CZ_{\text{инв}}}$$

ёки

$$Z_{\text{сф}} + C_{\text{иф}} \leq \sum_{j=1}^n CZ_{\text{инв},j} * i_{\text{инв},j}$$

бу ерда,

$Z_{\text{сф}}$  – суғурта фаолияти бўйича зарар;  $C_{\text{иф}}$  – инвестицион фаолият харажатлари;  $CZ_{\text{инв}}$  – умумий суғурта захираларининг инвестиция сифатида молиявий бозорларга киритган миқдори;  $CZ_{\text{инв},j}$  – суғурта захиралари ҳажми, инвестиция йўналишлари бўйича  $j$  – молия бозорига йўналтирилган суғурта захиралари ҳажми;  $\bar{i}_{\text{инв}}$  – суғурта захираларининг инвестиция бўйича ўртача бозор қиймати;  $j$  – суғурта захираларининг инвестиция йўналишлари;  $n$  – суғурта захираларининг инвестиция йўналишлари сони;  $i_{\text{инв},j}$  – даромадлилик даражаси ва  $j$  – суғурта захираларини инвестициялаш йўналишлари бўйича.

Муаллиф суғурта компанияларини инвестиция фаолиятини ҳисобга олган ҳолда суғурта фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун суғурта операциялари ва инвестиция фаолиятидан фойда (зарар, агар мавжуд бўлса) ёки бу турдаги йиғиндидан ижобий натижага эришиш асосида даромад олиш мақсадида ўз қобилияти бўйича асосий фаолият турлари самарадорлигини акс эттирувчи суғурта ва инвестиция фаолияти рентабеллигининг комплекс кўрсаткичларидан фойдаланишни таклиф этади:

$$R_{\text{сиф}} = \frac{\Phi(Z)_{\text{сф}} + \Phi_{\text{иф}}}{C_{\text{сф}} + C_{\text{иф}}} = \frac{\Phi_{\text{сиф}}}{C_{\text{сиф}}}$$

Формулада:  $\Phi(Z)_{\text{сф}}$  – суғурта фаолиятидан олинган даромад/зарар;  $\Phi_{\text{иф}}$  – инвестицион фаолиятдан фойда;  $C_{\text{сф}}$  – суғурта фаолияти учун харажатлар;  $C_{\text{иф}}$  – инвестиция фаолияти харажатлари;  $\Phi_{\text{сиф}}$  – суғурта ва инвестицион фаолиятдан олинган фойда;  $C_{\text{сиф}}$  – суғурта ва инвестицион фаолият харажатлари.

Ушбу кўрсаткичдан фойдаланиш суғурта компаниялари даромадлигини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришда тизимли ёндашишга имкон беради:

– тизимли ёндашув бирор-бир муҳим элементга эътибор қаратувчи турли бошқарув мактаблари ёндашувларидаги асосий камчиликларни бартараф этишга кўмаклашади;

– тизимли ёндашув алоҳида-алоҳида эмас, балки тизимда таҳлил қилиш демакдир, яъни бу ушбу тизим элементларининг муайян муносабатини англатади;

– тизимли ёндашувдан фойдаланиш фойда кўришни ўз ичига олган мураккаб тизимларни ташкил қилиш ва бошқариш самарадорлигини оширади.

Суғурта фаолияти ва инвестицион фаолият рентабеллигини ошириш бўйича комплекс кўрсаткичларни (молиявий натижалар бўйича) прогнозлаш даражаси ва корреляцион таҳлил хулосаси бўйича асосланувчи омилларга таъсир этиш фаоллигини аниқлаш учун суғурта фаолияти ва инвестицион фаолиятни комплекс рентабеллик кўрсаткичларини шакллантирувчи кўп омилли модель ишлаб чиқилди. Ушбу модель юзага келиши мумкин бўлган рискларни таҳлил қилиш ва башоратлаш, шунингдек, мазкур кўрсаткич учун ўсиш захираларини аниқлаш имконини беради:

$$R_{\text{сиф}} = \frac{\Phi_{\text{сиф}}}{\Phi_{\text{иф}}} * \frac{\Phi_{\text{иф}}}{D_{\text{иф}}} * \frac{D_{\text{иф}}}{\Phi(3)_{\text{сф}}} * \frac{\Phi(3)_{\text{сф}}}{M_{\text{со}}} * \frac{M_{\text{со}}}{C_{\text{сиф}}}$$

бу ерда,  $\Phi_{\text{сиф}}$  – суғурта ва инвестицион фаолиятдан олинadиган фойда;  $\Phi_{\text{иф}}$  – инвестицион фаолиятдан олинadиган фойда;  $D_{\text{иф}}$  – инвестицион фаолиятдан олинadиган даромадлар;  $\Phi(3)_{\text{сф}}$  – суғурта фаолиятдан олинadиган фойда (зарар);  $M_{\text{со}}$  – суғурта операцияларини амалга ошириш учун суғурта бадаллари (мукофотлар);  $C_{\text{сиф}}$  – суғурта ва инвестицион фаолият харажатлари.

Суғурта операцияларидан зарарни инвестицион фойда билан қоплашнинг кескин даражасини белгилаб берувчи тақлиф этилган индикатор бизга, ишлаб чиқилган услублар билан биргаликда, бошқариш фаолияти ва қабул қилинган қарорлар кетма-кетлигини белгилайдиган суғурта компанияси даромадларини шакллантирувчи молиявий механизмни қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш имконини берди (2-расм).



**2-расм. Умумий суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари фойдасини шакллантирувчи молиявий механизм<sup>1</sup>**

Умумий суғурта тармоғида фаолиятини амалга оширувчи суғурта компаниялари даромадларини шакллантиришнинг молиявий механизмини қўллашдаги афзаллиги суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш ҳамда таҳлил қилиш учун энг муҳим кўрсаткичлар бўйича объектив ва ишончли ахборот олиш вақтини сезиларли даражада қисқартириши ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар**

Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида умумий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурта компанияларида молиявий механизмни ташкил этиш муаммоси ўта мураккаб ва жуда муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш, ривожланишининг тактик ва стратегик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда суғурталаш учун барқарор фойда олишни таъминлаш амалий восита ҳисобланади.

Суғурта компаниялари даромадларини ўстиришда молиявий механизмдан фойдаланиш қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

1) умумий суғурталашни амалга оширувчи суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш жараёнига тизимли ёндашувни жорий этиш;

---

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишланган

2) суғурта компанияси ресурс салоҳияти, унинг ривожланиш стратегияси ва бозор шароитларига мос келадиган фойдани максимал даражада ошириш;

3) суғурта компанияларида шаклланган фойда сифатини ошириш ва шакллари сифатини яхшилаш. Суғурта компаниялари даромадларини шакллантириш жараёнида асосий эътибор суғурта тўловлари даражаси, тўпланган суғурта мукофотлари миқдори ва ушбу асосда инвестиция даромадларини олиш йўли билан фойданинг ўсиши учун захираларни аниқлашга қаратилиши керак;

4) суғурта ва инвестицион фаолиятнинг рентабеллик даражасини доимий равишда тартибга солиб туриш;

5) суғурта ва инвестицион фаолиятни интеграциялашган ҳолда қайта тиклашнинг муҳим даражасини белгилловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш.

Шундай қилиб, суғурта компаниясининг асосий даромад манбаи суғурта фаолиятдан олинган ва инвестиция сифатида йўналтирилган даромадлар ҳисобланиб, бу механизм Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори салоҳиятини ошириш билан бир қаторда давлатнинг инвестицияларни жалб қилишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412 сонли “Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Маликов Т.С. Молия: Хўжалик юритувчи субъектлар молияси. – Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 288 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Тошкент ш., 2002 йил 5 апрель. – 358-2-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси». – 52-боб.
6. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-молия», 2015 йил. – 348 б.
7. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Аҳмедов Х., Корпоратив молия стратегияси. – Т.: «Иқтисод-молия», 2013. – 128 б.
8. Чернопятов А.М. Функционирование финансового механизма предприятия. – М.: Советская типография, 2012. – 270 с.
9. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги сайти.